

Ушбу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таоло халойиқнинг тақдири қандай бўлишини азалдан, улар вужудга келишидан олдин билишини баён қилмоқдалар.

Ҳадиси шарифда баён қилинган ёзиш «Лавҳул Маҳфуз»га бўлган. Эллик минг йил қанча эканини Аллоҳнинг Ўзи билади. Чунки бизнинг тасаввуримиздаги йил ўлчови осмонлару ер яратилганидан кейин, ернинг ҳаракатига асосланиб пайдо бўлгандир. Бу эллик минг йил эса осмонлару ер яратилишидан олдин бўлганлиги ҳадисда очиқ-ойдин айтиб турилибди.

Аллоҳ илмининг чегараси йўқ бўлганидан кейин, ҳамма нарсани билишига шубҳа йўқ. Агар У Зот маълум вақтгача билиб, ундан нарисини билмайдиган бўлганида, Унинг камолот сифатларига нуқсон етар эди. Бу эса Аллоҳ таолонинг олий зотига асло тўғри келмайди.

Бу ҳадисдан оладиган фойдамиз:

Аллоҳ халойиқнинг тақдирини осмонлару ерни яратишидан эллик минг йил аввал ёзганлиги. Шунга иймон келтирамыз, шуни тасдиқлаймыз!

عَنْ جَلِّ أَمَلُ عَالَمٍ لَلْأُولَى سَرَّيْ لِيَقِي: لَأَقُ عُنْ هَلْ لِيَضْرَبُ نِي صُحْبَ نَبِ نَأْمَعُ نَعَنْ
قَلْبُ أَمَلُ رَسَيْمُ لُكُ: لَأَقُ؟ نُولْمُ أَعْلَلْ أَلْمَغْيَ مِي فَفَ: لِيَقِي. «مَعَنْ»: لَأَقُ؟ رَأْنِ لَلْأُولَى نَم
عَنْ عَبْرَأَلِ أَوْر. «عَنْ»

Имрон ибн Хусойн розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, у киши айтдиларки:

«Эй Аллоҳнинг Расули, аҳли жаннат ва аҳли дўзахлар билинганми?» дейилди. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа», дедилар.

«Унда амал қилувчилар нима учун амал қиладилар?» дейилди. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Барчага ўзи учун халқ қилинган амал муяссардир», дедилар».

Имом Бухорий, Муслим ва бошқалар ривоят қилишган.

Ушбу ҳадисда саҳобаи киромлар Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламдан қадар тўғрисида дастлабки маълумотларни эшитган одамда пайдо бўладиган саволларни сўрамоқдалар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан дастлаб қадар тўғрисидаги гапларни эшитганларидан сўнг, уларда ҳам бу савол туғилган бўлиши мумкин.

Саҳобаи киромлар томонидан:

«Эй Аллоҳнинг Расули, аҳли жаннат ва аҳли дўзахлар билинганми?» дейилди».

Яъни ким аҳли жаннат, ким аҳли дўзах бўлиши олдиндан билинганми, дейишди. Билувчи маълум ва машҳур бўлганидан «билинганми?» лафзи қазои қадар масаласи Аллоҳнинг илмидан эканлигига яна бир далилдир.

«Белгиланганми», «тайин қилинганми», «ҳукм қилинганми» каби сўзлар ишлатилмаган, балки «билинганми?» дейилган.

Бу саволга Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа», деб жавоб бердилар. Яъни «Ҳа, Аҳли жаннат ва Аҳли дўзахлар билинган», дедилар.

«Унда амал қилувчилар нима учун амал қиладилар?» дейилди».

Яъни аҳли жаннат кимлиги ҳам, аҳли дўзахнинг кимлиги ҳам билинган бўлса, унда овора бўлиб амал қилишнинг нима кераги бор? Бу саволга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Барчага ўзи учун халқ қилинган амал муяссардир»**, деб жавоб бердилар.

Бу жумлага уламоларимиз: «Ҳар бир инсон ўзи учун халқ қилинган амалга муяссар бўлади: саодатманд инсон аҳли саодатнинг амалига, бадбахт инсон эса аҳли шақоватнинг амалига муяссар бўлади. Шунинг учун Аллоҳ амр қилган амалларни қилиш ҳар бир инсондан матлубдир», деб маъно берганлар.

Ҳа, Аллоҳ таоло барча бандаларини амал қилишга амр этган. Шариатнинг ҳаммаси ҳам, Қуръони Карим ҳам, суннат ҳам Аллоҳнинг бандаларига қилган амрларидан иборатдир. Бандадан ушбу амрларга амал қилиш талаб этилган. Ўша амрларга амал қилган бандага саодат ваъда қилинган.

Шунингдек, бандаларга қазои қадарга иймон келтириш амр қилинган. Қазои қадарга иймон келтирган бандага саодат, иймон келтирмаган бандага бадбахтлик ваъда қилинган. Аммо бандаларга қазои қадар тўғрисида тортишиш, чуқур кетиш буюрилмаган. Аллоҳнинг бу ҳақдаги илмини билиш ҳам, қазои қадарни баҳона қилиб, амални тарк этиш ҳам амр қилинмаган.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди